

MIHAS
MALAYSIA INTERNATIONAL HALAL SHOWCASE

17th
Malaysia International Halal Showcase
9 - 12 September 2021
MITEC, Kuala Lumpur, Malaysia

MIHAS
MALAYSIA INTERNATIONAL HALAL SHOWCASE

Empowering Halal
Tomorrow, Together

halol.uz

**Ўзбекистон ҳалол маҳсулотлар
кўргазмасида иштирок этади**

21 апрель куни Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси “The Malaysia International Halal Showcase – MIHAS” 17-Халқаро ҳалол маҳсулотлар кўргазмасида иштирок этиш учун онлайн рўйхатдан ўтиш маросимида иштирок этди.

Хар йили ушбу тадбирда дунёнинг 40 мамлакатидан мингга яқин компания иштирок этади ва 80 давлатдан 25 мингдан зиёд одам ташриф буюради.

Бу йилги кўргазма 9-12 сентябрь кунлари Малайзия Халқаро савдо ва кўргазма марказида (MITEC) ўтказилиши режалаштирилган.

Малайзия MIHAS-2021 кўргазмасининг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиш ва ўз маҳсулотларини намойиш қилиш учун тегишли онлайн ва офлайн платформалар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини

маълум килди.

Маълумот учун, MIHAS дунёдаги энг йирик халол маҳсулотларга багишланган тадбир бўлиб, у 2004 йилдан бери ўтказиб келинмоқда.

Кўргазма ташкилотчилари – Малайзия халқаро савдо ва саноат вазирлиги, ташки савдони ривожлантириш корпорацияси ҳамда йирик халқаро кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш бўйича қарийб 30 йиллик тажрибага эга бўлган “HW Lima Sdn Bhd” компаниясидир.

Ушбу тадбирда ўзбек компанияларининг фаол иштирок этиши мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларнинг хорижий давлатлар бозорларига экспортини янада оширишга хизмат қилади.